

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05. 2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА АЗИЗА ШАВКАТОВНА

**ТУРЛИ ЁШ ТОИФАЛАРИДАГИ АЁЛЛАРДА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ,
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Кадирова Азиза Шавкатовна

Турли ёш тоифаларидаги аёлларда
цереброваскуляр касалликларнинг
клиник-патогенетик хусусиятлари,
диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш..... 3

Кадырова Азиза Шавкатовна

Клинико-патогенетические особенности
цереброваскулярных заболеваний у
женщин разных возрастных категорий,
диагностика и оптимизация лечения..... 21

Kadirova Aziza Shavkatovna

Clinical and pathogenetic characteristics
of cerebrovascular diseases in women of
different age groups, diagnostics
and treatment optimization..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05. 2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА АЗИЗА ШАВКАТОВНА

**ТУРЛИ ЁШ ТОИФАЛАРИДАГИ АЁЛЛАРДА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ,
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/Tib3805 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахматуллаева Гулнора Кутпитдиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998) 78–150–78–28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998) 71–214–82–90

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Азизова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра¹, цереброваскуляр касалликлар (ЦВК), жумладан инсульт, инсоният саломатлигига таҳдид солаётган энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, ногиронлик ва ўлимнинг етакчи сабаблари қаторида туради. Сўнгги ўн йилликларда инсульт билан касалланиш даражаси бутун дунё бўйича барқарор ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Айниқса, аёллар орасида бу кўрсаткич юқори бўлиб, уларда гормонал ўзгаришлар, ёшга оид физиологик хусусиятлар ва ижтимоий-психологик омиллар таъсирида инсульт хавфи янада ортиб боради. ЖССТ нинг сўнгги ҳисоботларига кўра, ҳар йили дунё бўйича 12 миллиондан ортиқ инсон инсультга чалинади, уларнинг тахминан 6,5 миллиони ҳаётдан кўз юмади. Шунингдек, инсультдан омон қолганларнинг ярмидан кўпи турли даражадаги неврологик нуқсонлар билан яшашга мажбур бўлади. Аёлларда инсульт ҳолатлари умумий ҳолатларнинг 55 фоизга яқинини ташкил этади ва уларда касалликнинг кечиши кўп ҳолларда оғирроқ бўлади.

Жаҳонда цереброваскуляр касалликлар (ЦВК), хусусан инсульт, нафақат юқори ўлим кўрсаткичлари, балки доимий ногиронлик билан яқунланиши сабабли глобал соғлиқни сақлаш тизими олдидаги энг муҳим муаммолардан бири сифатида баҳоланмоқда. Илмий манбалар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсультдан кейин аёлларда ногиронлик ва эрта ўлим ҳолатлари (DALY) кўрсаткичлари эркакларга нисбатан анча юқори. Бу ҳолат ЦВК патогенезида гендерлик ва ёшга оид фарқларни чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Сўнгги йилларда гендерга хос патогенетик механизмлар, гормонал омиллар ва васкуляр реактивликнинг аёллар организмидаги ўзига хос хусусиятлари бўйича изланишлар фаол олиб борилмоқда. Айниқса, фертил ёшдаги аёллардаги инсульт ҳолатларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади, чунки ушбу тоифа меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламига киради ва тиббий ёрдам кўрсатишда индивидуал ёндашувни талаб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида, айниқса, цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларни мунтазам скрининг текширувларидан ўтказиш ва уларга диспансер кузатувини йўлга қўйиш орқали инсульт ва бошқа цереброваскуляр касалликлардан ўлим ҳолатларини камайтириш»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

¹<https://www.who.int/ru/news/item/14-03-2024-over-1-in-3-people-affected-by-neurological-conditions--the-leading-cause-of-illness-and-disability-worldwide>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2021-йил 28-июлдаги ПҚ-5199-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2023-йил 8-сентябрдаги ПҚ-296-сон "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида", 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон "Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI устувор йўналиши - «Тиббиёт ва фармакология» бўйича амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликда аёллар орасида цереброваскуляр касалликлар бўйича илмий изланишлар кенг қулоч ёзди. Бу тенденция инсультнинг аёллар ўртасида юқори тарқалиши, унинг гендерга хос клиник ва патогенетик хусусиятлари билан изоҳланади. Замонавий тадқиқотларда бу муаммо молекуляр-генетик, гормонал ва ижтимоий-эпидемиологик жиҳатлардан ҳар томонлама ўрганилмоқда.

J. Bushnell ўз тадқиқотларида инсультнинг гендер хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган ва аёллар учун махсус диагностик ҳамда терапевтик алгоритмлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган. Appelros S. ва ҳаммуаллифлар аёлларда инсультдан кейин когнитив етишмовчилик ва депрессия ҳолатлари эркакларга нисбатан кўпроқ учрашини кўрсатган. J. F. Meschia ишемик инсульт хавфига таъсир этувчи MTHFR C677T ва F5 G1691A ген полиморфизмларини илмий асосда тасдиқлаган. Шунингдек, R.L.Sacco (2017) ва V.J.Howard (2019) аёлларда инсульт хавфини эрта аниқлашда скрининг тадбирларининг аҳамиятини ҳамда гормонал, аутоиммун ва метаболик триггерларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлашган. P. V. Gorelick (2020) эса генетик, нейровизуал ва нейропсихологик маълумотларни ягона прогностик моделга бирлаштиришни таклиф этган.

Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам бу йўналишда изланишлар фаол олиб борилмоқда. Масалан, Н.А.Шамалов ва О.В.Лебедев аёлларда инсультнинг клиник-неврологик хусусиятлари, гормонал фон ва соматик патология билан боғлиқ жиҳатларни таҳлил қилган. Г. Н. Ткач эса постменопаузал аёлларда ишемик инсульт кечиш хусусиятларини ўрганган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар сўнгги йилларда шаклланаётган бўлиб, Б.Т.Муҳаммаджонова ва Ш.К.Саидова раҳбарлигида репродуктив анамнез ва гормонал ҳолатни инобатга олган ҳолда ЦВК патогенези бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек,

Х.С.Арипов ва Р.Х.Муҳаммедов турли ёш тоифаларидаги аёлларда ЦВКда тромбофилиянинг молекуляр-генетик маркерларини ўрганиш бўйича илмий ишлар амалга оширганлар. Қимматли илмий манбалардан бири сифатида М.М.Якубованинг “Асоратили инсульт шакллари: клинко-молекуляр-генетик жиҳатлари” мавзусидаги диссертацияси алоҳида аҳамият касб этади.

Шу сабабли, бу йўналишда аёл организмининг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда патогенетик механизмларни чуқур ўрганиш ҳамда инсультнинг олдини олиш ва реабилитация дастурларини такомиллаштириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800232 «Айрим патологик ҳолатларни ривожланиши ва уларни тузатишнинг молекуляр-хужайравий механизмлари» ва №01.11.00.158 «Дорилар билан даволаш тамойилларини оптималлаштириш, бош миянинг қон томир касалликларини асосий патогенетик механизмлари» (2021-2023 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёлларда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланишида генетик, гормонал, метаболик ва психоэмоционал хавф омиллари ўртасидаги ўзаро патогенетик боғлиқликни аниқлаш, эрта диагностика ва терапия усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аёлларда церебровасуляр касалликларнинг клиник, неврологик ва нейрпсихологик хусусиятларини ёш гуруҳлари кесимида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг клиник аҳамиятини аниқлаш;

церебровасуляр касалликларнинг ривожланишида иштирок этувчи метаболик, эндокрин, генетик, акушерлик ва аутоиммун хусусиятларга эга хавф омилларининг ўзаро таъсирини ёшга оид фарқлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

аёлларда тромбофилик полиморфизмлар тарқалишини ёш гуруҳлари кесимида клиник, лаборатор ва доплерографик кўрсаткичларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш;

хавф омиллари, клиник-анамнестик маълумотлар ва генетик маркерлар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни таҳлил қилиш ва уларнинг церебровасуляр касалликларнинг ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш;

ёш ва генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда аёлларда церебровасуляр касалликларнинг эрта профилактикаси ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича дифференциал мезон ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022–2024 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги 7-шаҳар клиник шифохонасида стационар даволанган 24 ёшдан 74 ёшгача бўлган 97 нафар аёл беморлар ҳамда назорат гуруҳи сифатида 28–65 ёш оралиғидаги 30 нафар клиник соғлом аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник кузатув маълумотлари, беморлар ва назорат гуруҳидан олинган веноз қон намуналаридан ажратилган

ДНК материаллари ҳамда MTHFR, F5, F2 ва PAI-1 генларидаги полиморфизм вариантларини таҳлил қилиш ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усулларида клиник-неврологик текширув, нейропсихологик тестлар (SAGE, HDRS, HARS), лаборатор ва нейровизуал таҳлиллар (нейросонография), шунингдек, MTHFR, F5, F2 ва PAI-1 генларидаги полиморфизмларни аниқлаш мақсадида молекуляр-генетик таҳлил (ПЦР), шунингдек, олинган маълумотларни замонавий дастурий таъминот ёрдамида статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

аёлларда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланишида ёшга оид фарқланувчи этиопатогенетик омиллар таҳлил қилиниб, фертил ёшдаги аёлларда цереброваскуляр касалликлар ирсий тромбофилия ва генетик мутациялар билан, постменопаузал ёшда эса қон-томир ва метаболик ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланган;

фертил ёшдаги аёлларда цереброваскуляр касалликлар ривожланишида MTHFR C677T, F5 G1691A, F2 G20210A ва PAI-1 4G/5G ген полиморфизмларининг гипергомоцистеинемия, тромбофилия ва эндотелиал дисфункция билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг артериал гипертензия, дислипидемия ва акушерлик анамнези билан биргаликда ишемик касалликларнинг эрта ва оғир кечишини белгилайдиган асосий молекуляр-генетик омиллар экани асосланган;

ёш аёлларда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиш хавфини баҳолашда, клиник кўрсаткичлар меъёрида сақланган ҳолатларда ҳам яширин ирсий тромбофилияни эрта аниқлашда молекуляр-генетик скринингни қўллаш инсулт хавфини эрта башорат қилиши исботланган;

генетик мутация тури, ёшга оид физиологик хусусиятлар ва тромбофилия ҳолатини ҳисобга олган ҳолда цереброваскуляр касалликлар учун дифференциал даво мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

аёлларда ишемик цереброваскуляр касалликларни баҳолаш ва ташхислаш учун нейропсихологик шкалалар (SAGE, HDRS, HARS), нейровизуализация ва лаборатор кўрсаткичларни ўз ичига олган клиник-диагностик мезон таклиф этилган.

Инсулт профилактикаси ва унинг қайталаниш хавфини камайтиришни оптималлаштириш доирасида генетик профил ва ёш тоифасини ҳисобга олган ҳолда индивидуал профилактик ва терапевтик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланилгани, назарий материаллар билан олинган натижалар ўртасидаги мувофиқлик, ўтказилган тадқиқотларнинг методологик аниқлиги, етарли миқдорда беморлар қамраб олингани, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ишлаб чиқилгани, шунингдек, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий тадқиқотлардаги тасдиқланган маълумотлар билан таққослангани, хулосалар

ва олинган натижалар тегишли соҳадаги мутахассислар ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, аёлларда турли ёш тоифаларидаги ўткир ишемик ҳолатлар патогенезида тромбофилиянинг генетик маркерлари (MTHFR C677T, F5 G1691A) нинг роли асосланиб, олинган натижалар ирсий мутациялар билан анъанавий қон-томир ва метаболик хавф омиллари ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларини намоён этиши янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, аниқланган молекуляр-генетик ва клиник маркерлар асосида ёш ва генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда инсулт хавфи юқори бўлган аёлларни эрта аниқлаш, хавф гуруҳини белгилаш ва индивидуал профилактика ҳамда даволаш тактикасини танлаш имкони беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: аёлларда цереброваскуляр касалликларни аниқлаш ва даволашда генетик профиль ҳамда ёш тоифасини инобатга олган индивидуал ёндашувлар бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: аёлларда аёлларда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланишида ёшга оид фарқланувчи этиопатогенетик омиллар илмий жиҳатдан асосланиб, фертил ёшдаги аёлларда касалликнинг генетик тромбофилия ва мутациялар билан, постменопаузал ёшда эса қон-томир ва метаболик ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатувчи таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 2024 йил 22 августда тасдиқланган «Алгоритм клинико-неврологической диагностики острого нарушения мозгового кровообращения у лиц молодого возраста с гиперкоагуляционным синдромом» номли услубий тавсияномага киритилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, №08-24/350-т. Тадқиқот натижалари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилояти филиали клиник амалиётига (2025 йил 28 апрелдаги № 94-Т буйруғи) ва Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш маркази кўп тармоқли клиникасига (2025 йил 13 февралдаги № 36 буйруғи) жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* ёш гуруҳларда клиник намоён бўлишидан олдин скрининг ўтказиш имконияти яратилди, бу эса юқори хавф гуруҳларини аниқлаш ва профилактик тадбирларни эртароқ бошлаш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлик:* ишемик инсулт билан касалланган аёл беморни бир йил давомида кузатиш ва даволаш харажатлари - стационар даволаш (тахминан 5000000 сўм), дори-дармонлар (1000000 сўм), амбулатор кузатув ва лаборатория текширувлари (3 00000 сўм) - жами 1200000 сўмни ташкил этади. Скрининг орқали касалликка мойиллик эрта аниқланганда бу харажатлар 9400000 сўмгача тушади, яъни ҳар бир беморга 2600000 сўм иқтисодий фойда (12000000 – 9400000). 30 нафар аёлни қамраб олган ҳолда умумий иқтисодий самара 78000000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* ёш аёлларда генетик детерминанталарни аниқлаш инсултнинг эрта скрининги ва индивидуал профилактикасини асослаш

имконини берди, бу эса инсулт ҳолатларини камайтириш ва соғлиқни сақлаш тизими харажатларини оптималлаштиришга ёрдам беради.

иккинчи илмий янгилик: фертил ёшдаги аёлларда ишемик ҳодисалар ривожланиши билан боғлиқ MTHFR C677T, F5 G1691A, F2 G20210A ва PAI-1 4G/5G ген полиморфизмларининг гипергомоцистеинемия, тромбофилия ва эндотелиал дисфункция билан боғлиқлиги, шунингдек ишемик касалликларнинг эрта ва оғир кечишини белгилайдиган асосий молекуляр-генетик омиллар эканини кўрсатувчи таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 2024 йил 22 августда тасдиқланган «Алгоритм клиничко-неврологической диагностики острого нарушения мозгового кровообращения у лиц молодого возраста с гиперкоагуляционным синдромом» номли услубий тавсияномага киритилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, №08-24/350-т. Тадқиқот натижалари Республика шошинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилояти филиали клиник амалиётига (2025 йил 28 апрелдаги № 94-Т буйруғи) ва Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш маркази кўп тармоқли клиникасига (2025 йил 13 февралдаги №36 буйруғи) жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* генетик жиҳатдан мойил аёл беморларни эрта аниқлаш имкони яратилди, бу эса уларнинг хабардорлигини ошириш, профилактик кузатувни ташкил этиш ва натижада репродуктив ҳамда меҳнат салоҳиятини сақлаб қолишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлик:* мойилликни эрта аниқлаш ва ишемик ҳолатларнинг олдини олиш имконияти орқали харажатларни сезиларли даражада камайтириш мумкин. Фертил ёшдаги аёлларда скрининг жорий этилганда бир беморни бир йил мобайнида кузатиш ва профилактик даволаш харажатлари (маслаҳатлар, профилактик терапия ва генетик тестларни ўз ичига олган ҳолда - тахминан 1400000 сўм) инсулт ривожланган ҳолдаги даволаш харажатларига (йилига 12000000 сўмгача) нисбатан анча паст ҳисобланади. Демак, бир бемор учун йилига 10600000 сўмгача тежамга эришиш мумкин бўлади, бу эса мазкур моделни эрта аралашув дастурлари доирасида юқори самарали деб баҳолаш имконини беради. *Хулоса:* полиморфизмларни ишемик инсултлар предиктори сифатида аниқлаш репродуктив ёшдаги аёлларда эрта ташхис аниқлигини ошириш, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги исботланган персоналлаштирилган профилактикани жорий этиш имконини яратади.

учинчи илмий янгилик: ёш аёлларда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиш хавфини баҳолашда, клиник кўрсаткичлар меъёрда сақланган ҳолатларда ҳам яширин генетик тромбофилияни эрта аниқлашда молекуляр-генетик скринингни қўллаш инсулт хавфини эрта башорат қилиш имконини бериши ҳақидаги таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 2024 йил 22 августда тасдиқланган «Методы лабораорно-инструментальной диагностики острого нарушения мозгового кровообращения у лиц молодого возраста с гиперкоагуляционным синдромом» номли услубий тавсияномага киритилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, № 08-

24/350-т. Тадқиқот натижалари Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилояти филиали клиник амалиётига (2025 йил 28 апрелдаги № 94-Т буйруғи) ва Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш маркази кўп тармоқли клиникасига (2025 йил 13 февралдаги № 36 буйруғи) жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* ушбу ёндашув эрта ташхис қўйиш имкониятларини кенгайтириш ва аввал аниқланмаган хавф гуруҳлари учун профилактик кузатувни таъминлаш имконини берди. Бу, айниқса, инсультлар бўйича оилавий тарихга, ТИА эпизодларига, шунингдек, туғруқдан кейинги ёки гормонал фон ўзгариши даврида кузатилган тромботик асоратларга эга аёллар учун долзарб ҳисобланади. *Иқтисодий самарадорлик:* Генетик ҳолат ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ва юқори ирсий хавфга эга деб гумон қилинган аёллар учун тўлиқ лаборатор таҳлиллар (ўртача 600000 сўм), камида икки мутахассис билан маслаҳатлашув, шунингдек, антиагрегантлар, антигипертензив ва гиполипидемик воситаларни ўз ичига олган эмпирик даволаш курслари талаб этилади. *Хулоса:* таклиф этилган ташхис модели нафақат иқтисодий жиҳатдан асосланган, балки хатарни эрта аниқлаш имконини оширади, бу эса ёш аёлларда цереброваскуляр патологияни бошқаришда индивидуал ёндашувни таъминлайди.

тўртинчи илмий янгилик: генетик мутация тури, ёшга оид физиологик хусусиятлар ва тромбофилия ҳолатини ҳисобга олган ҳолда цереброваскуляр касалликлар учун дифференциал даво мезони ишлаб чиқилиб, унинг ишлатилиши индивидуал терапия тактикаси ва клиник натижаларни яхшилашга хизмат қилишини кўрсатувчи таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 2024 йил 22 августда тасдиқланган «Методы лабораорно-инструментальной диагностики острого нарушения мозгового кровообращения у лиц молодого возраста с гиперкоагуляционным синдромом» номли услубий тавсияномага киритилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, № 08-24/350-т. Тадқиқот натижалари Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилояти филиали клиник амалиётига (2025 йил 28 апрелдаги № 94-Т буйруғи) ва Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш маркази кўп тармоқли клиникасига (2025 йил 13 февралдаги № 36 буйруғи) жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* меҳнатга лаёқатлилиқни сақлаб қолиш ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш орқали аҳоли саломатлигини яхшилашда намоён бўлади. *Иқтисодий самарадорлик:* бир беморни даволаш харажатлари ўртача 12000000 сўмни ташкил этади, рецидив хавфи 50% га камайганда эса 6000000 сўм тежалади. 30 нафар беморда бу кўрсаткич 180000000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* Генетик асосланган дифференциал даво алгоритмининг жорий этилиши аёлларда цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш, қайталаниш ҳолатларини камайтириш ва даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари асосида 22 та илмий иш чоп этилган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида, 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси халқаро илмий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, 5 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида аёлларда турли ёш тоифаларида кузатиладиган цереброваскуляр касалликлар (ЦВК)ни ўрганишнинг долзарблиги асослаб берилган, ишемик инсултнинг ногиронлик ва ўлим сабаби сифатидаги юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти таъкидланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқ баён этилган. Қўйилган вазифаларнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган. Молекуляр-генетик, лаборатор ва инструментал таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалиёт учун аҳамияти асослаб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани ва синовдан ўтказилгани ҳақида маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши баён этилган.


Диссертациянинг **«Аёлларда цереброваскуляр патологиянинг патогенетик асослари ва молекуляр-генетик хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ишемик турдаги ЦВКларнинг эпидемиологияси, патогенези ва клиник хусусиятлари бўйича долзарб муаммоларга бағишланган. Бобда анъанавий ва специфик (жумладан, ирсий) хавф омиллари, тромбофилияга хос генетик маркерлар (MTHFR, F5, F2, PAI-1), ёш ва жинсга хос фарқлар, шунингдек, инсултнинг нейрпсихологик жиҳатлари батафсил ёритилган. Айниқса, қон-томир касалликларининг ғайриоддий дебюти билан кечаётган ёш аёлларга ва уларни аниқлаш ҳамда даволашда шахсий ёндашувнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотга олинган беморларнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган гуруҳларнинг клиник, лаборатор ва генетик хусусиятлари, қўлланилган ташхис усуллари, тадқиқот дизайни ҳамда статистик таҳлил усуллари баён этилган.

Тадқиқот 2022–2024 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги 7-шаҳар клиник шифохонасида амалга оширилиб, жами 97 нафар аёл бемор қамраб олинган. Улардан барчасида цереброваскуляр касалликларнинг турли шакллари - яъни ўткир ишемик ходисалар (ЎИХ), жумладан ўткир ишемик инсулт (ЎИИ), ўткинчи ишемик ҳужум (ЎИХ) ва ЎИИ оқибатлари (ЎИИО) аниқланган.

Беморлар ЖССТ классификацияга асосан кўйидаги ёш гуруҳларига тақсимланган: ёшлар (n=36); ўрта ёшдаги аёллар (n=29); кекса аёллар (n=32).

Назорат гуруҳи (n=30) - қон-томир патологияси бўлмаган, шартли соғлом аёллар (1-расм).



1-расм. Тадқиқотга жалб этилган гуруҳлар тузилиши

Беморлар гиперкоагуляцион синдром белгилари (≥ 2 та мутация мавжудлиги, D-димер даражасининг ошиши, анамнезда тромбозлар ва бошқалар) асосида ҳам шартли равишда гиперкоагуляцияси бор (n=55, 56,7%) ва гиперкоагуляциясиз (n=42, 43,3%) бўлган икки кичик гуруҳга ажратилди.

Тадқиқотда замонавий клинко-неврологик усуллар, шкалалар орқали баҳолаш (SAGE, HDRS, HARS), лаборатор таҳлиллар (умумий қон таҳлили, липидограмма, коагулограмма, D-димер), брахиоцефал қон томирларининг ультратовушли доплерографияси ва молекуляр-генетик тестлар (MTHFR, F5, F2 ва PAI-1 генларидаги мутациялар) қўлланилди. Статистик таҳлил микдорий ва сифат кўрсаткичларни таққослаш, χ^2 , OR, p-ахамиятлилик даражаси, ишончли интерваллар, ROC-эгриликлар ҳамда корреляцион боғланишларни ўз ичига олди.

Олинган маълумотлар аёлларда ЎИХ кечишининг ёш ва генетик омилларга боғлиқ хусусиятларини аниқлаш, шахсийлаштирилган даволаш усуллари асослаш ва томир, метаболик ва молекуляр профилни ҳисобга олган ташхис алгоритминини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг «Аёллардаги ўткир ишемик цереброваскуляр касалликларнинг клиник-диагностик тавсифи» деб номланган учинчи бобида клиник кузатиш натижалари, ЎИХ билан касалланган аёлларда ёшга боғлиқ ҳолда хавф омиллари, шикоятлар, неврологик статус ҳамда эмоционал-когнитив бузилишлар спектрида аниқ фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

97 нафар аёлда кузатилган ўткир ишемик ҳолатлар (ЎИХ) бўйича ўтказилган таққослама таҳлил натижалари ёш тоифалари ўртасида хавф омиллари тузилишида аниқ фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

Репродуктив ёшдаги аёллар гуруҳига хос равишда гормонал ва генетик хусусиятлар билан боғлиқ кўзғатувчи омиллар устунлик қилди. Жумладан, комбинирланган орал контрацептивлар (КОК) қабул қилувчи беморлар 14% ни, оғир акушерлик анамнези (ОАА) мавжуд бўлганлар 47%ни, наслий тромбофилияга мойиллик эса 33% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар репродуктив ёшда тромбофилия ва иммун тизимидаги бузилишлар ишемик инсультнинг асосий триггерлари сифатида аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди. Шу билан бирга, ёш аёллар орасида транзитор ишемик хуружлар (28%) ва тромбоз эпизодлари (19%) каби қон-томир патологиясининг оқибатий кўринишлари ҳам кузатилиб, цереброваскуляр асоратларга ирсий мойилликнинг эрта клиник намоён бўлишини кўрсатди.

Ўрта ёш ва қария аёллар гуруҳларида эса хавф омилларининг асосий қисмини фон метаболик ва кардиал бузилишлар ташкил этди. Беморларнинг деярли барчасида артериал гипертония (100%) аниқланди, шунингдек қандли диабет (59%), атеросклероз (66%), семириш (25%) ва гиподинамия (81%) ҳолатлари юқори улушни эгаллади. Ўрта ёшдаги беморларда ҳам шунга яқин тенденциялар кузатилди: гипертония (90%), қандли диабет (24%), атеросклероз (21%), семириш ва гиподинамия (17%) (1-жадвал).

1-жадвал

Ўткир ишемик ҳодисалар билан касалланган аёлларда ёшга оид хавф омиллари ва анамнез хусусиятларининг фарқлари


Хавф омили	Беморлар						χ^2	p-value (ANOVA)
	1 гуруҳ		2 гуруҳ		3 гуруҳ			
	n	%	n	%	n	%		
Чекиш	9	25	3	10	3	9	3.99	p > 0.05
КОК қабул қилиш	5	14	0	0	0	0	8.93	p < 0.05
ТИА	10	28	5	17	2	6	5.43	p > 0.05
Наслий тромбозга мойиллик	12	33	4	14	4	13	5.67	p > 0.05
ОАА	17	47	4	14	3	9	1.56	p > 0.05
Тромбозлар	7	19	2	7	0	0	7.89	p < 0.05
АИК	3	8	3	10	1	3	1.29	p > 0.05
COVID-19	6	17	4	14	10	31	3.38	p > 0.05
АГ	27	75	26	90	32	100	9.92	p < 0.01
ҚД	3	8	7	24	19	59	21.71	p < 0.0001
ИЮК	3	8	2	7	7	22	4.01	p > 0.05
Юрак клапанлари Нуксонлари	1	3	2	7	1	3	0.81	p > 0.05
БФ	1	3	1	3	1	3	0.02	p > 0.05
Атеросклероз	7	19	6	21	21	66	19.62	p < 0.0001
Семизлик	1	3	5	17	8	25	3.43	p > 0.05
Гиподинамия	4	11	5	17	26	81	42.5	p < 0.0001

Изоҳ: АГ - артериал гипертония; ҚД - сахар диабети; ИЮК - ишемик юрак касаллиги; БФ - булмачалар фибрилляцияси, ОАА - оғир акушерлик анамнези, АИК - аутоиммун касалликлар. Кўрсаткичларни таққослаш учта ёш гуруҳи беморлари ўртасида χ^2 Пирсон мезони (категорияли ўзгарувчилар учун) ёрдамида амалга оширилди. p < 0,05 қийматлар статистик аҳамиятли, p < 0,01 - юқори аҳамиятли, p < 0,001 - жуда юқори аҳамиятли деб баҳоланди.

Ёш аёлларда асосан транзитор ишемик эпизодларга хос бўлган шикоятлар устунлик қилди: бош оғриғи (75%), бош айланиши (67%), юришда нотурғунлик (58%), тананинг уйушиши (56%) ва ҳаракат бузилишлари (53%). Шу билан бирга, нутқ бузилишлари (8%) ҳолатларининг нисбатан паст учраши, мия устунли хосилалари ва бош мия ярим шарлари оқ моддасининг кўпроқ зарарланишига ишора қилади. Кўзларда иккиланиш ва диспепсия симптомлари (кўнгил айланиши/қусиш) 36–39% ҳолатларда кузатилган бўлиб, бу орқа мия артерияси тизими ёки вестибуляр аппарат иштирокини кўрсатиши мумкин. Ўрта ёшдаги аёлларда шикоятлар нисбати ўхшаш бўлса-да, бироқ ўчоқли белгилар устунлиги кузатилди: ҳаракат бузилишлари - 59%, уйушиш - 62%, нутқ бузилишлари - 31%, юрганда нотурғунлик ҳолатлари 72% га етган, бу бош айланиши эпизодлари (69%) ва кўриш бузилишлари (41%) кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, орқа-базиляр соҳада кўп сонли ишемик ўчоқлар шаклланганлигини тахмин қилиш имконини беради.

3 гуруҳидаги координация бузилишлари ва ноустуворлик 94% ҳолатда, бош айланиши - 81%, уйушиш - 72%, кўзларда иккиланиш - 47% ҳолатда кузатилган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бош оғриғи бошқа гуруҳлар билан солиштирганда бир хил даражада (75%) учраган бўлса-да, айнан шу когортада юриш ва мувозанатнинг доимий бузилиши олдинга чиққан, бу эса мияча ва ўтказувчи нейрон тузилмаларнинг чуқур шикастланишини кўрсатади. Неврологик статус таҳлили ушбу хулосаларни тасдиқлади.

Ёш аёлларда нистагм (69%), координация бузилишлари (72%), Бабинский патологик рефлекси (75%). VII ва XII жуфтлар марказий парези мос равишда 36% ва 75% ҳолатда кузатилган. Мотор афазия 8% беморда кузатилган бўлиб, бу жараенга нутқ марказларининг нисбатан кам жалб этилганини кўрсатади (2-расм).



2-расм. ЎИХ бўлган аёлларда неврологик белгиларнинг ёшга боғлиқ таҳлили.

Ўрта ёшдаги аёллар гуруҳида марказий парезлар (VII жуфт - 45%, XII жуфт - 76%), координатор бузилишлар (72%) ва Бабинский патологик рефлекси (79%) частотаси сезиларли даражада ошган. Бу натижалар лакунар ва атеротромботик инсультларга хос кортикал-субкортикал ва мия хосилаларининг жалб этилиши билан боғлиқ.

Катта ёшдаги (МҚАЎБ) билан касалланган аёлларда неврологик дефицитнинг энг юқори даражаси кузатилган: нистагм - 91%, координация бузилишлари - 91%, орал автоматизм рефлекслари - 75%, VII жуфт марказий парези - 94%. Нигоҳ фалажи 38% ҳолатда, мотор афазия - 19% ҳолатда кузатилган бўлиб, бу миянинг пешона, чўнтак ва ствол бўлимларининг кенг зарарланишини кўрсатади. Бабинский симптоми 88% беморда аниқланган, бу касалликнинг оғир кечишини тасдиқлайди.

Нейропсихологик шкалаларни таққослаш натижасида ёш ортиши билан когнитив қобилиятларнинг босқичма-босқич пасайиши кузатилди: ёш гуруҳда SAGE бўйича ўртача кўрсаткич $17,53 \pm 2,99$; ўрта ёшдаги аёлларда - $15,28 \pm 3,43$; – қарияларда - $13,97 \pm 3,22$.

HDRS ва HARS шкалалари бўйича натижалар депрессив ва хавотирли бузилишлар кучайиш тенденциясига эга эканини кўрсатди: ёшларда: HDRS - $11,19 \pm 6,76$, HARS - $6,25 \pm 5,42$; ўрта ёшда: HDRS - $5,28 \pm 6,15$, HARS - $15,28 \pm 6,15$; қарияларда: HDRS - $15,00 \pm 6,44$, HARS - $13,00 \pm 6,32$.

Неврологик белгиларнинг тарқалиш ва оғирлик даражалари бўйича ёш гуруҳлар ўртасида қуйидаги фарқлар аниқланган:

Ёш гуруҳдаги беморларда, чекланган ўчоқ белгилари устун бўлиб, улар кўпроқ ўткир ости характерда ва регрессияга мойилликка эга бўлди. Беморларда когнитив етишмовчилик ва эмоционал бузилишлар кам кузатилган, бу МНСнинг сақланган компенсацион захиралари мавжудлигини кўрсатади. Ўрта ёшда мотор, сенсор ва афатик бузилишлар, шунингдек дизартрия белгилари билан ифодаланган кўп қиррали клиник манзара кузатилган, бу таламо-кортикал ва субкортикал структураларнинг жалб этилганини англатади. Ушбу фондаги кучли тревожно-депрессив симптоматика нейропсихологик функцияларнинг декомпенсацияси ва нейропластикаликнинг чекланганлигини тасдиқлайди.

2-Жадвал

Ёш тоифаларига кўра ЎИХ билан касалланган аёлларда гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Беморлар			p-value (ANOVA)
	Ёшлар	Ўрта ёш	Қариялар	
HGB (г/л)	$109,6 \pm 11,8$	< 0.05	$105,6 \pm 11,8$	< 0.05
PLT ($\times 10^9$ /л)	$219,7 \pm 62,1$	< 0.0001	$219,8 \pm 26,4$	< 0.0001
Фибриноген (г/л)	$3,68 \pm 0,75$	≥ 0.05	$3,86 \pm 0,48$	≥ 0.05
ПТИ (%)	$108,4 \pm 6,1$	< 0.0001	$123,6 \pm 12,6$	< 0.0001
D-димер (нг/мл)	$456,1 \pm 83,3$	< 0.0001	$290,6 \pm 18,5$	< 0.0001
Холестерин (ммоль/л)	$5,02 \pm 0,44$	< 0.0001	$5,89 \pm 0,90$	< 0.0001
ПЗЛП (ммоль/л)	$2,64 \pm 0,25$	< 0.0001	$3,40 \pm 0,88$	< 0.0001
ЮЗЛП (ммоль/л)	$1,51 \pm 0,19$	< 0.0001	$1,08 \pm 0,35$	< 0.0001
Атерогенлик индекси	$2,35 \pm 0,26$	< 0.0001	$5,03 \pm 2,10$	< 0.0001

Изоҳ: HGB - гемоглобин, PLT - тромбоцитлар, ПТИ - протромбин индекси, ПЗЛП - паст зичликли липопротеидлар, ЮЗЛП - юқори зичликли липопротеидлар. Кўрсаткичларни таққослаш учта ёш гуруҳи беморлари ўртасида бир факторли дисперсион таҳлил (ANOVA) усули ёрдамида амалга оширилди. $p < 0,05$ қийматлар статистик аҳамиятли, $p < 0,01$ - юқори аҳамиятли, $p < 0,001$ - жуда юқори аҳамиятли деб баҳоланди.

Гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили ёшга хос фарқларни намоён қилди, бу ЎИХ билан касалланган аёлларда қон-томир ва метаболик ўзгаришларни акс эттиради (2-жадвал).

Ёш гуруҳда енгил анемия ($HGB=109,6\pm 11,8$ г/л), меъёрдаги фибриноген ва ПТИ фонида D-димер даражаси юқори ($456,1\pm 83,3$ нг/мл) бўлиб, гиперкоагуляцион фаолликдан далолат беради. Липид профилида ўртача дислипидемия (ПЗЛП - $2,64\pm 0,25$ ммоль/л, ЮЗЛП - $1,51\pm 0,19$ ммоль/л), атерогенлик индекси чегарада ($2,35\pm 0,26$).

Ўрта ёшда D-димер ($390,5\pm 103,5$ нг/мл), тромбоцитлар ($343,9\pm 60,0\times 10^9$ /л) ва фибриноген ($3,88\pm 0,60$ г/л) даражалари ошган. Холестерин ($6,13\pm 0,85$) ва ПЗЛП ($3,96\pm 0,82$ ммоль/л) кўтарилган, атерогенлик индекси - $4,89\pm 2,10$ тенг.


Қарияларда ПТИ ($123,6\pm 12,6\%$), D-димер ($290,6\pm 18,5$ нг/мл) ва фибриноген ($3,86\pm 0,48$ г/л) даражалари ортиб, ЮЗЛП паст ($1,08\pm 0,35$ ммоль/л), индекс атерогенлик - $5,03\pm 2,10$, бу декомпенсацияланган дислипидемияни кўрсатади.

Брахиоцефал артерияларининг ултратовуш доплерографияси (БЦА УТД) натижалари томир тўсиғининг ёшга боғлиқ равишда ўсувчи дисфункциясини, стенозлаш ва гемодинамик бузилишларнинг кучайиши билан намоён бўлишини тасдиқлади.

Брахиоцефал артерияларининг ултратовуш доплерографияси (БЦА УТД) натижалари томир деворида ёшга боғлиқ равишда ўсувчи дисфункциясини, стенозлаш ва гемодинамик бузилишларнинг кучайиши билан намоён бўлишини тасдиқлади. Брахиоцефал артерияларининг ултратовуш доплерографияси (БЦА УТД) натижалари томир девори ёшга боғлиқ равишда ўсувчи дисфункциясини, стенозлаш ва гемодинамик бузилишларнинг кучайиши билан намоён бўлишини тасдиқлади. Ёш аёлларда умумий уйқу артериясида интима-медиа комплекси қалинлиги (ИМКК) $0,75\pm 0,15$ мм, стеноз даражаси - $18,9\pm 9,9\%$ ни ташкил этиб, томир деворининг бошланғич ўзгаришларини кўрсатди. Резистентлик индекси (RI) меъёр доирасида сақланди, томир кенглиги эса минимал даражада камайган. Ўрта ёшли аёлларда ИМКК қалинлиги $0,85-0,90$ мм гача ўсди, RI $0,77-0,79$ гача кўтарилди ва умумий уйқу артерияси (УУА) ҳамда ички уйқу артериясида (ИУА) стеноз $34-42\%$ гача етиб борди. Бу маълумотлар субклиник атеросклероз ва унинг гемодинамик оқибатларини тасдиқлайди. Қарияларда эса энг аниқ ўзгаришлар қайд этилди: ИМКК $1,23\pm 0,45$ мм гача, стеноз даражаси - $61-62\%$ гача, айниқса ИУА ва умуртқа артериясида (УА), RI - $1,06$ гача етиб, томир эластиклигининг йўқолиши ва бош миёда қон айланишининг пасайишини кўрсатади.

4-боб «Беморларда туғма тромбофилияларнинг молекуляр-генетик тавсифи» да гемостаз ва фибринолиз бузилишлари билан боғлиқ ген полиморфизмлари (MTHFR C677T, F5 G1691A, F2 G20210A, PAI-1 675 4G/5G) тез-тезликнинг таҳлили ёш тоифалари ва цереброваскуляр касалликларнинг клиник шакллари ўртасида ишонарли фарқларни аниқлади. Мутациялар ташувчилиги ёшга, касаллик босқичига ва қон-томир бузилишларининг хусусиятига қараб ўзгариши белгиланди. Шу билан бирга, генетик мойиллик анъанавий қон-томир хавф омиллари таъсирини кучайтириб, турли когорталарда тромбофилия ҳолатининг ифодаланиш даражасини белгилаб берди.

